# ЭКОНОМИКАНИ ЮКСАЛТИРИШ РЕЗЕРВЛАРИДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

| | 1989 йилнинг биринчи ярмида амалда | Топшириқнинг бажарилиш проценти | 1989 йилнинг биринчи ярмида 1988 йилнинг биринчи ярмига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Гўшт (давлат ресурслари хом ашёсидан) — минг тонна | 29,4 | 107,6 | 88,9 |
| Колбаса маҳсулотлари — минг тонна | 17,5 | 103,0 | 100,2 |
| Мол ёғи (давлат ресурслари хом ашёсидан) — тонна | 19 | 113,3 | 75,0 |
| Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотларини сутга айлантириб ҳисоблаганда (давлат ресурслари хом ашёсидан) — минг тонна | 112,0 | 105,7 | 102,9 |
| Маргарин маҳсулотлари — минг тонна | 16,8 | 100,8 | 100,8 |
| Усимлик мойи (давлат ресурслари хом ашёсидан) — минг тонна | 31,2 | 101,9 | 103,1 |
| Кондитер маҳсулотлари — минг тонна | 49,9 | 101,5 | 105,9 |
| Консервалар — шартли миллион банка | 70,7 | 112,7 | 87,5 |

Ноозиқ-овқат халқ истеъмоли товарлари 1,3 миллиард сўмлик ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 103,9 миллион сўмлик ёки 8,8 процент кўпдир. Топшириқ 104,9 процент қилиб бажарилди. Топшириқдагидан ташқари 60,5 миллион сўмлик моллар ишлаб чиқарилди.

Биринчи ярим йилликда 640,6 миллион сўмлик енгил саноат моллари ишлаб чиқарилди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6,1 процент кўпдир. Енгил саноат моллари ишлаб чиқаришнинг кўпайиши 37 миллион сўмни ташкил этди.

Ноозиқ-овқат халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши қуйидагича бўлди:

| | Биринчи ярим йилликда амалда | Топшириқнинг бажарилиш проценти | 1989 йилнинг биринчи ярмида 1988 йилнинг биринчи ярмига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Трикотаж буюмлари — миллион сўмлик | 14,7 | 99,6 | 105,4 |
| Пайпоқлар —миллион жуфт | 0,4 | 119,6 | 131,8 |
| Пойабзал—миллион жуфт | 8,2 | 102,5 | 104,9 |
| Мебель—миллион сўмлик | 84,8 | 102,7 | 109,8 |
| Чинни-фаянс идишлари — миллион сўмлик | 17,9 | 103,5 | 108,3 |
| Кир совуни—минг тонна | 11,2 | 104,0 | 98,5 |
| Ип газламалари — миллион квадрат метр | 86,3 | 100,9 | 89,3 |
| Сунъий кир ювиш воситалари — минг тонна | 18,5 | 104,7 | 107,6 |

**Чакана товар обороти ва пулли хизматлар.** Давлат ва кооператив савдоси чакана товар оборотининг умумий ҳажми 1989 йилнинг биринчи ярмида 2,3 миллиард сўмни ёки планга нисбатан 102,2 процентни ташкил этди. Областдаги барча районлар товар обороти планини бажарди. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан у 185,7 миллион сўмлик (8,6 процент) кўпайди, унинг 55,3 миллион сўми алкоголли ичимликларга тўғри келади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат молларини сотиш 6,5 процент кўпайди. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари, ўсимлик мойи, тухум, кондитер маҳсулотлари, маргарин, ип газламалари, чинни-фаянс ва шиша идишлари, мебель 3—10 процент, совутгичлар, кийимлар ва ички кийимлар, алкоголсиз ичимликлар, пайпоқлар 1—9 процент; мол ёғи, чой 12—15 процент кўп сотилди. Алкоголли ичимликларни сотиш 37 процент кўпайди.

Шойи газламалар, алкоголсиз ичимликларни сотиш ўтган йилги даражада қолди, мева ва сабзавот шарбатлари, картошка, сабзавотлар ва мевалар, трикотаж буюмлари, пойабзал, пишлоқ ва қанд-шакар сотиш 7—16 процент қисқарди.

Гўшт, гўшт консервалари, пишлоқ ва сут консерваларига талаб суст таъминланмоқда, бундай маҳсулотларни савдога етказиб бериш биринчи ярим йиллик плани бажарилмади.

Аҳолини балиқ ва балиқ маҳсулотлари, қаймоғи олинмаган сут ва маргарин маҳсулотлари, ширинликлар ҳамда чой билан таъминлашда узилишлар бўлмоқда, областда салқин ичимликлар савдоси қониқарсиз ташкил этилган. Ҳамма жойда қанд-шакар аҳолига талонлар бўйича берилмоқда.

Айрим озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат товарлари айрим турларини савдога етказиб бериш планлари бажарилмаётганлиги устига уларнинг кўп турлари сифатсиз кўринишда етказиб берилмоқда.

Область колхоз бозорларида нарх шу йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 9,5 процент, шу жумладан картошка нархи 29,7 процент, мевалар 8,5 процент, сабзавотлар нархи 6,9 процент ошди.

Давлат ва кооператив савдоси умумий овқатланиш корхоналарининг товар обороти ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 4,6 процент кўпайди ва 215,1 миллион сўмни (планга нисбатан 101,6 процентни) ташкил этди. Умумий овқатланиш корхоналари томонидан аҳолига хизмат кўрсатишни уюштириш ва маданияти паст даражадалигича қолмоқда.

Мебель, совутгичлар ва музлатгичлар, телевизорлар, кир ювиш ва тикув машиналари, электр дазмоллари, атир-упа ва бошқа моллар савдоси тақчиллик шароитларида бормоқда.

Биринчи ярим йилликда сунъий кир ювиш воситалари, атир совун сотиш кўпайди. Бироқ аҳоли жамғариб қўйиш учун харид қилаётгани сабабли уларга бўлган эҳтиёж камаймаяпти.

Ўрмон ва бинокорлик материаллари ресурсларини кўпайтириш юзасидан кўрилган чоралар натижасида уларни савдога етказиб бериш ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 3 процент кўпайди. Бироқ аҳоли ҳамон бундай материалларнинг кўп турларини харид қилишда қийинчиликларга дуч келмоқда. Ишлатиладиган ёғоч, тахта, фанер, линолеум, пардоз плиталари, сув-газ қувурлари, дераза ойнаси етишмаяпти. Маҳаллий бинокорлик материаллари савдоси ҳамма жойда ҳам лозим даражада йўлга қўйилмаган.

Аҳолига 344,8 миллион сўмлик **пулли хизмат** кўрсатилди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 37,5 миллион сўмлик (12,2 процент) кўп. Пулли хизмат кўрсатиш ҳажми бўйича корхоналар ва ташкилотлар томонидан қабул қилинган планлар биринчи ярим йилликда умуман областда 101,9 процент қилиб бажарилди.

Биринчи ярим йилликда пулли хизмат кўрсатиш асосий фаолияти бўлмаган министрликлар ва идоралар корхоналари томонидан 81,0 миллион сўмлик ҳажмда хизмат кўрсатилди. План 109,8 процент қилиб адо этилди.

Аҳолига 105,7 миллион сўмлик **маиший хизмат** кўрсатилди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 15,0 процент кўпдир. Хизмат кўрсатиш плани бажарилди.

**Уй-жой ва социал-маданий қурилиш.** Давлат капитал маблағлари ҳисобига умумий майдони 448,9 минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жойлар фойдаланишга топширилди, бу 1988 йилнинг шу давридагига нисбатан 13 процент камдир.

Биринчи ярим йилликда йиллик топшириқнинг 40 проценти миқдоридаги уй-жойлар қурилди. СССР Қора металлургия министрлиги, Ўзбекистон ССР Давлат сув хўжалиги комитети, СССР Давлат агросаноат комитети, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетлари йиллик планни 30 процентдан ҳам кам бажардилар ярим йилликда уй-жойларни капитал ремонт қилиш бўйича йиллик топшириқнинг салкам учдан бир қисми бажарилди.

6,9 минг ўқувчи ўрни бўлган умумий таълим мактаблари, 3,7 минг ўринли мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, 880 ўринли касалхоналар, ҳар сменада 900 беморни қабул қилувчи амбулатория-поликлиника муассасалари қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Умумий таълим мактабларини фойдаланишга топшириш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 52 процент қисқарди. Социал хизмат соҳаси объектларини фойдаланишга топшириш бўйича йиллик топшириқларнинг бажарилиш даражаси 22—61 процентни ташкил этди.

Умумий **таълим** мактабларида 47 минг нафардан ортиқ ўқувчи ўрта маълумот олди.

**Атроф-муҳитнинг аҳволи.** Умуман область бўйича зарарли моддаларни атмосфера ҳавосига чиқариш ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 13,1 минг тонна ёки 5,1 процент камайди. Областнинг деярли барча шаҳарлари ва районларида ҳаво ҳавзасига ифлослантирувчи моддаларнинг чиқарилиши камайди. Айни вақтда 57 корхона 1988 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан зарарли моддаларни чиқаришни кўпайтириб юборди.

Саноат марказларидан Олмалиқ, Оҳангарон, Бекобод, Чирчиқ, шаҳарлари ва қатор бошқа шундай марказларда атмосферани булғатишнинг юксак даражаси анча камайди.

## ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЕТИ

Шу йилнинг январь-июнида мавжуд корхоналарни техника билан қайта ускуналаш ва реконструкция қилишда 181,5 миллион сўмлик давлат капитал маблағлари ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4 процент кўп маблағ ўзлаштирилди. Корхона ва ташкилотларнинг ана шу мақсадларга сарфлаган ўз маблағлари давлат капитал маблағлари жами ҳажмининг 74,2 процентини ташкил этди.

Саноат корхоналарида 39 та механизациялашган поток ва автомат линиялар, 249 та автомат асбоб-ускуналар, 9 та робот, 26 та рақамли программа билан бошқариладиган дастгоҳлар ўрнатилди. 32 участка ва цех комплекс механизациялаштирилди ва автоматлаштирилди.

Саноатда маҳсулотнинг 40 тури ўзлаштирилди ва уларни ишлаб чиқариш бошланди. Шу йилнинг январь-июнида машинасозлик комплексида маҳсулотнинг янгиланиши ўтган йилнинг шу давридаги 6,2 процент ўрнига 8,7 процентни (йиллик планда 7,7 процент) ташкил этди.

Иссиқлик энергиясини нормалар бўйича сарфлашга нисбатан салкам 1 проценти тежаб қолинди.

## САНОАТ

Давлат буюртмалари ва истеъмолчилар билан бевосита алоқалар бўйича **маҳсулот етказиб беришнинг шартнома мажбуриятлари** 98,7 процент қилиб бажарилди. Истеъмолчиларга 50,8 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади. Корхоналар ва бирлашмаларнинг 18,6 проценти шартнома мажбуриятларини бузди.

**Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш** 1988 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 3,4 процент, шу жумладан, ишлаб чиқариш воситалари («А» гуруҳ маҳсулотлари) 1,9 процент, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш («Б» гуруҳ маҳсулотлари) 7,2 процент кўпайди.

**Меҳнат унумдорлиги** 5,4 процент ошди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг бутун ўсиши ходимлар сонини энг кўп даражада қисқартирган ҳолда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланди.

Саноат маҳсулотининг таннархи ошди.

**Фойда** 8,3 процент кўпайди, пландагидан ташқари 44,1 миллион сўм фойда олинди.

1989 йилнинг биринчи ярмида область шаҳарлари ва районлари бўйича саноатнинг иши тўғрисидаги маълумотлар (Иттифоқ бўйсинишидаги саноат ҳам ҳисобга киради) қуйидагича бўлди:

| | Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларининг бажарилиш проценти | Истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулот — миллион сўмлик | Шартнома мажбуриятларини бажармаган корхоналар улуши | Ўсишнинг амалдаги суръати: Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажми | Ўсишнинг амалдаги суръати: Меҳнат унумдорлиги |
|---|---|---|---|---|---|
| ЖАМИ | 98,7 | 50,8 | 18,6 | 3,4 | 5,4 |
| Тошкент | 99,0 | 22,3 | 20,1 | 2,8 | 4,7 |
| Область | 98,3 | 28,5 | 17,3 | 4,2 | 5,1 |
| **Шаҳарлар:** | | | | | |
| Олмалиқ | 99,6 | 2,0 | 27,8 | 1,2 | 2,5 |
| Ангрен | 99,9 | 0,2 | 20,0 | 8,1 | 4,7 |
| Оҳангарон | 96,6 | 2,8 | 37,5 | —4,1 | —5,4 |
| Бекобод | 91,2 | 11,4 | 27,3 | 1,8 | 2,5 |
| Нариманов | 99,1 | 0,2 | 25,0 | 8,0 | 10,4 |
| Чирчиқ | 97,1 | 10,8 | 35,3 | —0,1 | 1,8 |
| Янгийўл | 99,9 | 0,09 | 9,1 | 5,7 | 6,9 |
| **районлар:** | | | | | |
| Оққўрғон | 100,0 | 0,005 | 33,3 | 21,6 | 20,6 |
| Оҳангарон | 100,0 | — | — | 1,9 | —0,7 |
| Бекобод | 100,0 | — | — | 35,5 | 35,3 |
| Бўстонлиқ | 100,0 | — | — | —14,1 | —8,7 |
| Бука | 100,0 | — | — | 39,0 | 45,0 |
| Ғалаба | 100,0 | — | — | —2,6 | 1,3 |
| Калинин | 99,8 | 0,2 | 11,1 | —5,5 | —0,9 |
| Коммунистик | 100,0 | — | — | 33,6 | 36,6 |
| Оржоникидзе | 97,6 | 0,7 | 28,6 | 19,9 | 24,6 |
| Паркент | 96,1 | 0,07 | 100,0 | 11,6 | —18,4 |
| Пискент | 100,0 | — | — | 16,1 | —35,7 |
| Ўрта Чирчиқ | 100,0 | — | — | 19,5 | 27,9 |
| Тошкент | 100,0 | — | — | 21,6 | 43,0 |
| Чиноз | 99,6 | 0,1 | 12,5 | 22,0 | 21,1 |
| Янгийўл | 100,0 | — | — | —0,3 | 3,9 |

Маҳсулотнинг давлат қабули шароитларида ишлаётган саноат корхоналари ва бирлашмаларида биринчи ярим йилликда биринчи тақдимда 14,9 миллион сўмлик 8 процент маҳсулот қабул қилинмади, 0,3 миллион сўмлик маҳсулот бутунлай бракка чиқарилди.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишдаги камчиликлар маҳсулот тайёрлашни кўпайтиришга халақит бермоқда. Сўнгги бир ярим йил ичида фойдаланишга топширилган янги объектлар 80 процентининг қуввати белгиланган муддатларда ўзлаштирилмади. Тадқиқот маълумотлари шуни кўрсатди. Бу объектларда қувватларнинг иш билан таъминланиш даражаси бор-йўғи лойиҳадагига нисбатан 48,5 процентни ташкил этди.

Аҳолининг бинокорлик материаллари ва бошқа халқ истеъмоли молларига нисбатан бўлган талабини қондиришдаги мавжуд камчиликларига қарамай «Тошкент» ПДОсидаги, Тошкент абразив комбинати, «Ташкентвино» комбинати, Ангрен уйсозлик комбинати, Чирчиқ бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатида янги қувватлар тўла ишламаяпти.

Янги қувватларни ўзлаштиришдаги қолоқлик натижасида область халқ хўжалиги 1989 йилнинг биринчи ярмида салкам 30 миллион сўмлик маҳсулотни ололмай қолди.

1989 йилнинг биринчи ярмида халқ хўжалиги комплексларининг иши қуйидагича бўлди (процент ҳисобида):

| | Ўсишнинг амалдаги суръатлари: Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажми | Ўсишнинг амалдаги суръатлари: меҳнат унумдорлиги |
|---|---|---|
| Ёқилғи-энергетик комплекси | 6,3 | 7,7 |
| Металлургия комплекси | 3,8 | 5,8 |
| Машинасозлик комплекси | 1,2 | —5,2 |
| Химия-ўрмон комплекси | —1,6 | 1,4 |
| Агросаноат комплекси | 7,6 | 9,8 |
| Социал комплекс (Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги) | 3,2 | 3,4 |
| Қурилиш комплекси (Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги) | 1,5 | 1,5 |

**Ёқилғи-энергетика комплекси** корхоналари кўмир қазиб чиқариш, электр энергиясини ҳосил қилиш бўйича январь—июнь топшириқларини бажарди. Топшириқдагидан ташқари 111 минг тонна кўмир қазиб чиқарилди. 8 миллион киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилинди.

**Металлургия комплекси** корхоналари пўлат эритиш бўйича топшириқларнинг бажарилишини таъминламади. Ўзбекистон металлургия заводи прокат ишлаб чиқариш бўйича давлат буюртмасини бажармади (78 процент), корхона 10,5 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бермади.

**Машинасозлик комплексида** топшириқлар бажарилди ва куч трансформаторлари, йигирув машиналари, енгил саноат учун технологик асбоб-ускуналар, тракторлар ишлаб чиқаришда ўсишга эришилди.

Бироқ экскаваторлар, трактор прицеплари ва культиваторлари, пахта териш машиналари, химия асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши таъминланмади ва камайтириб юборилди.

Маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилишида Олмалиқ шаҳар ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари (1,5 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади), Бекобод шаҳар (11,2 миллион сўмлик) Чирчиқ шаҳар (10,3 миллион сўмлик) бирлашмалари ва корхоналари энг кўп қолоқликка йўл қўйдилар.

Машинасозлик заводлари ишидаги маромсизлик сақланиб қолди. Июннинг сўнгги беш кунида корхоналар томонидан электрик кўприк кранлари, («Подъемник» заводи), қишлоқ хўжалик машиналари («Ташсельмаш» ва «Чирчиксельмаш» заводлари) ойлик ишлаб чиқариш ҳажмининг салкам ярми, тракторлар (Тошкент трактор заводи) ишлаб чиқариш ойлик топшириғининг учдан бир қисмидан кўпроғи тайёрланди.

**Химия-ўрмон комплекси** корхоналари карбамид, олтингугурт кислотаси ишлаб чиқариш топшириқларини бажарди. Шу билан бирга минерал ўғитлари, капролактам, сунъий аммиак ва бошқа маҳсулотлар назарда тутилганидан кам ишлаб чиқарилди. Чирчиқдаги «Электрохимпром» бирлашмаси минерал ўғитлари, капролактам ишлаб чиқариш бўйича қониқарсиз ишламоқда. «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилишида энг кўп қолоқлик (9,6 миллион сўмлик) таркиб топди.

**Бинокорлик материаллари саноатида** пол учун сопол плиталар, линолеум ишлаб чиқариш топшириқлари бажарилди. Айни вақтда қурилиш комплекси асосий маҳсулотлар цемент, шифер, иморатбоп ғишт, йиғма темир-бетон ва бошқа шундай маҳсулотлар билан таъминланишда қийинчиликларга дуч келмоқда.

Айрим муҳим саноат маҳсулоти турларини 1989 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

| | 1989 йилнинг 1-ярмида амалдагиси | Топшириқнинг бажарилиш проценти | 1989 йилнинг 1-ярмида 1988 йилнинг 1-ярмига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|
| **Ёқилғи-энергетика комплекси** | | | |
| Электр энергияси — миллиард киловатт-соат | 11,2 | 100,1 | 106,5 |
| Кўмир — миллион тонна | 2,9 | 103,1 | 105,4 |
| **Машинасозлик комплекси** | | | |
| Куч трансформаторлари — миллион киловольт-ампер | 4,6 | 100 | 116,3 |
| Компрессорлар — минг дона | 5,7 | 92,9 | 103,9 |
| Химия асбоб ускуналари ва уларга эҳтиёт қисмлар — миллион сўмлик | 20,6 | 99,1 | 100,1 |
| Йигирув машиналари — дона | 840 | 101,3 | 108,8 |
| Трактор прицеплари — минг дона | 14,2 | 101,0 | 97,4 |
| Қишлоқ хўжалик машиналари — миллион сўмлик | 73,4 | 102,0 | 79,8 |
| Пахта териш машиналари — минг дона | 3,3 | 99,4 | 77,8 |
| Экскаваторлар—дона | 513 | 65,4 | 62,3 |
| **Химия—ўрмон комплекси** | | | |
| Минерал ўғитлари (тўйимли моддалари юз процентга айлантириб ҳисобланганда) — минг тонна | 376,1 | 96,1 | 92,2 |
| Олтингугурт кислотаси— миллион тонна | 0,7 | 100,6 | 97,4 |
| Сунъий смолалар ва пластик массалар — минг тонна | 39,3 | 90,8 | 95,7 |
| Қоғоз—минг тонна | 12,7 | 100,3 | 99,8 |
| Картон—минг тонна | 3,8 | 104,2 | 101,3 |
| **Бинокорлик саноати комплекси** | | | |
| Цемент—миллион тонна | 1,3 | 99,9 | 103,8 |
| Асбоцемент тахталари (шифер) — шартли миллион плита | 112,5 | 95,3 | 93,6 |
| Асбоцемент қувурлари ва ҳалқалари — шартли минг километр | 1,2 | 99,2 | 95,6 |

## АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ

Шу йилнинг биринчи ярмида 544 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 процент кўпдир.

Колхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро корхоналарда **чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг** ўзгариши қуйидагича бўлди:

| | Январь—июнь: 1988 йил | Январь—июнь: 1989 йил | 1989 йилда 1988 йилга нисбатан процент ҳисобида: 1988 йил | 1989 йилда 1988 йилга нисбатан процент ҳисобида: 1989 йил |
|---|---|---|---|---|
| Гўшт (тирик вазнда) — минг тонна | 30,2 | 30,4 | 110,6 | 100,7 |
| Сут — минг тонна | 79,9 | 81,4 | 101,3 | 101,8 |
| Тухум — миллион дона | 267,6 | 258,1 | 114,2 | 96,4 |

Бу йил Ғалаба, Коммунистик, Оржоникидзе, Паркент, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл районлари қишлоқ хўжалик корхоналарида гўшт етиштириш, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Ғалаба ва Оржоникидзе районлари хўжаликларида сут, Бекобод, Оржоникидзе ва Тошкент районларидан ташқари барча районларда тухум етиштириш камайди.

Умуман область бўйича январь-июнда колхозлар, совхозлар ва хўжаликларо корхоналарда ҳар бир сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдори 1524 килограммни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 35 килограмм кўпдир.

Колхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро корхоналарда **чорва ва парранда сони** қуйидагича бўлди (минг бош):

| | 1 июлгача: 1988 йил | 1 июлгача: 1989 йил |
|---|---|---|
| Қорамол | 183,4 | 184,7 |
| Шу жумладан сигирлар | 56,4 | 55,8 |
| Чўчқалар | 183,9 | 169,2 |
| Қўй ва эчкилар | 354,4 | 331,7 |
| Паррандалар | 6587,4 | 6404,1 |

Хўжаликларнинг барча категорияларида **чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш ҳажми** қуйидагича бўлди:

| | Биринчи ярим йиллик: 1988 йил | Биринчи ярим йиллик: 1989 йил | Биринчи ярим йиллик: 1989 йилда 1988 йилга нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Чорва ва парранда (тирик вазнда) — минг тонна | 32,7 | 31,5 | 96,3 |
| Сут — минг тонна | 81,9 | 84,0 | 102,5 |
| Тухум — миллион дона | 245,9 | 239,1 | 97,2 |

1988 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 86 хўжалик ёки хўжаликларнинг 43,2 процентида давлатга чорва ва парранда сотиш, 72 хўжаликда (37,5 процент) сут, 84 хўжаликда (67,2 процент) тухум сотиш камайди.

Оҳангарон, Ғалаба, Коммунистик, Оржоникидзе, Паркент, Ўрта Чирчиқ, Чиноз ва Янгийўл районлари хўжаликлари чорва моллари ва паррандаларни харид қилишни, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Чиноз районлари хўжаликлари сут, Оржоникидзе ва Тошкент районларидан бошқа ҳамма районлар тухум харид қилиш ҳажмини камайтириб юбордилар.

Шу йилнинг биринчи ярмида 81,1 минг тонна сабзавот харид қилинди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 34,9 минг тонна ёки 30 процент камдир.

Колхозлар ва давлат хўжаликларида 1989 йил ҳосили учун экин майдонлари 347,9 минг гектарни, шу жумладан ғалла ва дон-дуккакли экинлар майдони барча экин майдонининг 19 процентини, техника экинлари 44 процентини эгаллаб турибди.

Чигит, каноп, ғалла ва сабзавот экинларини экиш қисқарди.

Ҳамма жойда пичан ўриш ва озуқа тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда, кўпгина районларда ишлар суръати олдинги йиллардагидан паст. Шу йилнинг 3 июлига келиб озуқа бирлигига айлантириб ҳисоблаганда 84,0 минг тонна озуқа тайёрланди, ҳар бир шартли мол ҳисобига 4,3 центнер (ўтган йилнинг шу кунигача 110,3 минг тонна озуқа ва ҳар бир бош чорва ҳисобига 5,88 центнер озуқа тайёрланган эди) тайёрланди.

Колхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро корхоналарда баҳорги донли экин майдонларининг интенсив технология бўйича етиштирилаётган қисми 18,9 минг гектарни (ёки умумий экин майдонларига нисбатан 53 процентни), чигит 59,6 минг гектарни (43 процентни), картошка эса бор-йўғи 0,1 минг гектарни (2 процентни), сабзавот 0,3 минг гектарни (1 процентни) ташкил этмоқда.

Агросаноат комплексини ривожлантиришда (қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи тармоқлар ҳам ҳисобга киради) маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига 289 миллион сўм **капитал маблағ** фойдаланилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқларни ривожлантиришга сарфланган давлат капитал маблағлари январь-июнда 19,0 миллион сўмни ташкил этди. Картошка ва мева-сабзавот маҳсулотлари сақланадиган омборхоналар ишга туширилди.

Қишлоқ хўжалигида 0,3 минг гектар янги суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилди, 0,6 минг гектар суғориладиган ерлар комплекс реконструкция қилинди.

## КАПИТАЛ ҚУРИЛИШИ

Давлат корхоналари ва ташкилотлари томонидан 411 миллион сўмлик **асосий фондлар** ишга туширилди, бу ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 92 миллион сўмлик ёки 18 процент камдир.

Ўтган йили ишга туширилмаган ва биринчи ярим йиллик планида ишга туширилиши назарда тутилган айрим қувватларнинг фойдаланишга топширилиши таъминланмади. Бу Бинокор посёлкасидаги йирик панелли уйсозлик заводида панеллар ва бошқа конструкциялар ишлаб чиқариш бўйича қувватлардир.

348,7 миллион сўмлик ёки йиллик лимитнинг 38 проценти миқдорида давлат марказлашган **капитал маблағлари** ўзлаштирилди. Асосий халқ хўжалик комплексларига кирувчи министрликлар корхоналари томонидан йиллик лимитларнинг 23—44 проценти фойдаланилди.

Корхоналар ва ташкилотлар капитал қурилишида ўз маблағларининг 307,3 миллион сўмини ёки йиллик лимитнинг 44 процентини фойдаландилар.

Бюджет маблағларини бир вақтнинг ўзида қисқартириш билан корхоналар ва ташкилотларнинг фондлари маблағлари ҳисобига таъминланаётган давлат капитал маблағлари ҳажми ошди, буни қуйидаги маълумотлар кўрсатиб турибди:

| | 1989 йилнинг биринчи ярмида 1988 йилнинг биринчи ярмига нисбатан процент ҳисобида: давлат корхоналари ва ташкилотларининг капитал маблағлари | Шу жумладан: давлат марказлашган | Шу жумладан: корхоналар ва ташкилотлар фондлари маблағлари ҳисобига |
|---|---|---|---|
| Халқ хўжалиги бўйича жами | 93 | 66 | 174 |
| Ёқилғи-энергетика комплекси | 92 | 82 | 122 |
| Металлургия комплекси | 48 | 32 | 65 |
| Машинасозлик комплекси | 100 | 36 | 240 |
| Химия-ўрмон комплекси | 92 | 50 | 120 |
| Қурилиш комплекси | 76 | 24 | 330 |

Шу йилнинг 1 июлига келиб давлат капитал маблағлари ҳисобига тугалланмаган қурилиш ҳажми 1,8 миллиард сўмликни (1989 йилнинг 1 январига келиб 1,5 миллиард сўмликни) ташкил этди. У ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 6 процент кўпайди ва давлат капитал маблағларининг йиллик лимитига нисбатан 111 процентни ташкил этди.

Қурилиш-монтаж ташкилотлари бажарган **пудрат ишлари** ҳажми 3 процент, қурилиш комплекси ташкилотлари бўйича 4 процент камайди, меҳнат унумдорлиги 0,7 процент ошди.

## ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Умумий фойдаланишдаги транспортнинг айрим турлари билан **юк жўнатиш** қуйидагича бўлди:

| | 1989 йилнинг 1-ярмида (миллион тонна) | 1989 йил 1-ярмида 1988 йил 1-ярмига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|
| Транспорт — жами | 49,6 | 101,2 |
| Шу жумладан: | | |
| Темирйўл транспорти | 14,9 | 100,1 |
| Автомобиль транспорти | 34,7 | 101,6 |
| Авиация — минг тонна | 21,0 | 100,6 |

Темир йўл транспортида юк жўнатиш ярим йиллик топшириғи 98,3 процент, автомобиль транспортида 102,1 процент, авиацияда 105,1 процент қилиб бажарилди.

Темирйўл транспорти цемент (88,0 процент), минерал ўғитлари (90,1 процент), тошкўмир (93,7 процент) жўнатиш планининг бажарилишини таъминламади.

Умумий фойдаланишдаги транспортнинг барча турларида **пассажир обороти** 0,8 процент камайди ва 7,9 миллиард пассажир-километрни ташкил этди, шу жумладан, автомобиль транспортида 12,8 процент ва 2,8 миллиард пассажир километрни ташкил этди. Темирйўл транспортида пассажир обороти ярим йиллик плани 100,3 процент, авиацияда 105,4 процент қилиб бажарилди. 433,4 миллион ёки ўтган йилнинг январь-июнига нисбатан 98,5 процент пассажир жўнатилди.

1989 йилнинг биринчи ярмида **алоқа** корхоналари аҳолига 20,9 миллион сўмлик ёки 1988 йилнинг шу даврига нисбатан 16 процент кўп хизмат кўрсатди. План 111,1 процент қилиб бажарилди.

Почта алоқаси почта жўнатувлари ва юборилаётган пулларнинг муҳофаза этилишини таъминламаяпти, корреспонденцияларни вақтида етказиб бермаслик ҳоллари содир бўлмоқда.

Биринчи ярим йилликда умумий фойдаланишдаги телефон алоқасида асосий телефон аппаратлари сони 30 мингта кўпайди ва 470,8 мингтани ташкил этди. Бироқ уй телефонлари ўрнатиб бериш учун берилган аризаларнинг анчагина қисми қаноатлантирилмаяпти.

## ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

Тошкент области корхоналари ва ташкилотларининг ташқи иқтисодий фаолияти биринчи ярим йилликда ривожланишда давом этди. Шу даврда экспортга етказиб берилган маҳсулот ҳажми ички нархларда 11,1 миллион сўмликни ташкил этди. Экспорт учун етказиб берилаётган маҳсулотларнинг асосий қисмини хом ашё, материаллар, халқ истеъмоли товарлари ташкил этади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

● *Абдуқаҳҳор Иброҳимов — 50 ёшда*

# КАМОЛОТ



«ШУНИ қувонч билан қайд этиш лозимки, ҳозир республикамиздаги драма ва музикали драма театрларининг миллий репертуарлари ёшларнинг ижоди ҳисобига ҳам тузилмоқда, бу ўринда мен уларнинг орасида тўла шаклланган, ҳаёт материалига ўзига хос маҳорат билан ёндашаётган, ўзига хос ёзиш услубига эга бўлган, «Мени айтди деманг», «Тўй олдидан намойиш ёҳуд Сочқи», «Зўлдир», «Бу замон ўғлони» каби пьесалари билан аллақачон ўзини яхши намоён қила олган Абдуқаҳҳор Иброҳимовдек драматургни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим».

Мен бу сўзларни бундан салкам тўққиз йил аввал — 1980 йилнинг 1 ноябрида Ўзбекистон ёзувчиларининг съездига қилган ҳисобот маърузамда айтган эдим, кейин улар «Ўзбекистон маданияти» газетасида босилганди. Ўтган йиллар бу фикримнинг тўғрилигини тасдиқлади: А. Иброҳимов бир қатор салмоқли асарлар яратди, Москва ва Тошкент нашриётлари унинг китобларини чоп этди, Ўзбекистон ва иттифоқдош республикалар театрларида сатирик комедиялари муваффақият билан қўйилди, уларнинг айримларини ўзим ҳам завқ билан томоша қилдим.

Абдуқаҳҳор кўзимиз олдида камол топди, десам хато қилмаган бўламан. У Тошкент Давлат дорилфунунини тугатиб, «Ўзбекистон маданияти» газетасига хизматга келди. Бу ер унинг учун ижод дорилфунуни вазифасини ўтади, қизғин адабий ва маданий муҳит ёш талантнинг бўй кўрсатишида ижобий таъсир этди.

А. Иброҳимовнинг дастлабки публицистик мақолалари, очерк ва ҳикоялари айни шу даврда вужудга келди ва ўқувчиларни севинтирди. Унинг биринчи саҳна асари — «Биринчи бўса» лирик драмаси ўз ижодида ҳам, «Ёш гвардия» театри ҳаётида ҳам, қолаверса, драматургиямизда ҳам қувонарли воқеалардан бўлди. Ёшларнинг севимли асарига айланиб кетган бу пьеса биргина шу театрнинг ўзида тўрт йил мобайнида 500 мартадан ортиқ кўрсатилди. Устоз адибларнинг тавсиясига кўра Абдуқаҳҳорни Ёзувчилар уюшмасига аъзо қилиб олдик.

1975 йилнинг эрта кузи эди. Кутилмаганда Москвадан атоқли рус ёзувчиси ва драматурги Николай Вирта телефон қилиб қолди. Маълумки, бу адиб ўттизинчи йиллардан бошлабоқ ўзбек ёзувчиларининг севимли дўстига айланиб кетганди. Айниқса, бу дўстлик Улуғ Ватан уруши йилларида мустаҳкамланганди. Николай Евгеньевич ўзининг азалий одатига кўра салом-аликдан кейин дарҳол мақсадга кўчди: «Комил Нўъмонович, хабарингиз бор, Тошкентда менинг тутинган ўғлим Абдуқаҳҳор яшайди. Биз у билан ота-ўғил, устоз-шогирд бўлиб кетганмиз. Яқинда у ўзининг янги сатирик комедиясини сўзма-сўз таржимаси билан таништириш мақсадида менга юборган эди. Асарни зўр мамнуният билан ўқиб чиқдим. Азбаройи ёқиб кетганидан профессор Владимир Пименев, драматург Виктор Розовларга ҳам ўқиттирдим. Уларга ҳам маъқул бўлди. Шундай қилиб Абдуқаҳҳор Олий адабиёт курсига кириш учун ғойибона имтиҳондан ўтди. У Москвада икки йил таҳсил кўриб, пойтахт муҳитидан нафас олса айни муддао бўларди. Шунга СССР Ёзувчилар уюшмаси котиби, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг раиси сифатида ҳужжатларини расмийлаштиришда ёрдам берсангиз».

Н. Вирта жиддий адиб, жиддий инсон эди. У унча-мунча ишларга аралашмасди. Унинг ёш ўзбек ёзувчиси ижодига юксак баҳо бериши, келажагига жон куйдириши мақтаса арзигулик эди. Бу олижаноб рус қалбига хос бир фазилат эди... Шу тариқа Абдуқаҳҳорни Олий адабий курсига ўқишга йўлладик. Уни катта ижодий имтиҳондан ўтказган асари «Зўлдир» («Бег по кругу» — бу номни Н. Вирта қўйган) сатирик комедияси эди. Унда номенклатура балоси кескин ва маҳорат билан фош этилган. Турғунликни вужудга келтирган ижтимоий иллатлардан бири бўлмиш номенклатура балосини бундан ўн етти йил аввал қаламга олиш ўзига хос гражданлик жасорати эди. Бу пьесани саҳналаштиришга аввало рус санъаткорлари журъат этдилар — 1978 йили Самарқанддаги Чехов номли рус драма театри «Зўлдир»га саҳна умрини бағишлади. Пьеса аввало рус тилида чоп этилди; СССР Маданият министрлиги томонидан саҳналаштириш учун барча театрларга тавсия қилинди. Кейин Ўзбекистондаги бир неча театрларда, жумладан, Муқимий номидаги театрда қўйилди. Таниқли режиссёр Носир Отабоев талқинида бу спектакль ҳам муваффақиятли чиқди. У ҳамон саҳнадан тушмай келаётир. Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, санъатшунослик доктори Муҳсин Қодиров «Зўлдир»га ёзган ва «Тошкент ҳақиқати» газетасида босилган «Мансабпарастнинг инқирози» тақризида бу асар теран таҳлил этилди.

Даврнинг энг муҳим гапларини айта олиш А. Иброҳимовга хос фазилатлардандир. Унинг энг яхши ҳикоялари: «Сўнгги нур», «Ўртадаги одам», «Пуфак ёрилди», «Тахт қулади», «Олдиларидан ўтайлик», «Ўзларини кўрсатсинлар» ва бошқаларга хос долзарб, юракларни ўртайдиган масалаларни кўтариш «Арра», «Бу замон ўғлони», «Мени айтди деманг», «Бир ўликка бир тирик», «Майли, майли», «Сочқи», «Тусмол», «Товушсиз қарсаклар», «Танисангиз керак», «Пуч» сингари саҳна асарларига ҳам тегишлидир. Шунинг учун ҳам бу пьесаларнинг юки залворли. Мен уларнинг кўпчилигини қўлёзма ҳолида ўқиб, холис фикримни айтганман, ёш ҳамкасбимнинг ижодий ютуқларидан қувонганман. Агар «Биринчи бўса» лирик драмасида ёшлар иффатни қадрлашга чорланса, «Майли, майли» сатирик комедиясида устомон ва лўттибоз кимсалар кулги остига олинади. «Арра» сатирик комедиясида эса фан соҳасидаги сохта олимларнинг зўрма-зўраки сулолаларининг қилмишлари очиб ташланса (бу пьесани 1971 йилиёқ Н. Вирта ўз ташаббуси билан рус тилига таржима қилиб, чоп эттирган эди), «Сочқи»да тарallабедодлик, мукофотпарастлик ҳаётий саҳналарда кўрсатилади. «Тусмол»да кўнгил кўзи сўқир кимсалар, «Пуч»да эса эл-юрт учун ҳеч нарса қилмай шишиниб кетган кишиларнинг ичи пуклиги тасвирланади. Бир сўз билан айтганда, Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг сатирик комедия жанрида қилаётган ишлари диққатга сазовордир. Ўйлайманки, унинг бу борадаги ижодий изланишлари ўзининг тадқиқотчиларини кутмоқда.

Абдуқаҳҳор Иброҳимов яхши ҳикоячи ва қиссанавис ҳамдир. Унинг «Қоя остида», «Сўнгги нур», «Осмон яқин, ер юмшоқ» тўпламларидан жой олган насрий асарлари китобхонларнинг ҳам, адабий жамоатчиликнинг ҳам эътиборини қозонган, газета-журналларда уларга ижобий тақризлар босилган. Шунинг учун ҳам Москвадаги «Советский писатель» нашриёти адибнинг эллик йиллигига бағишлаб «Падение трона» («Тахт қулади») номли китобини (ҳикоялар ва қиссалардан иборат) тўёна қилиши ҳам бежиз эмас. Афсуски, Ўзбекистон нашриётлари кейинги йилларда А. Иброҳимовнинг китобларини чоп этгани йўқ. Ваҳоланки, унинг турғунлик даврини кескин фош этган насрий ва драматик асарлари ўтмиш иллатларидан қутилишимизга ёрдам бериши турган гап.

А. Иброҳимов менга яна шуниси билан ёқадики, у ўзининг ҳаётий ва ижодий нуқтаи назарига эга ижодкор. Агар у бирон бир ноҳақликка дуч келса, баъзи бировларга ўхшаб келишувчилик қилиб, ишим битса бас, дейдиганлардан эмас. Ҳақиқат рўёбга чиқиши учун ҳар қандай қийинчиликдан чўчимайдиганлардан. Унинг ана шу фазилатини мен бениҳоя қадрлайман. Бу айниқса, ёзувчи учун ғоят зарур фазилатдир.

Адабиётда энг оғир, энг завқли ва оммабоп, кишиларнинг ҳис-туйғусига самарали таъсир ўтказадиган жанр драматургия ҳисобланади. Бу жанрда ижод қилиш ниҳоятда сермашаққат, айни пайтда нашъалидир. Чунки саҳнада ижро этилаётган асар кишиларга қанчалик эҳтирос ва ҳаяжон бағишлаётганини ўз кўзинг билан кўриб турасан. Шу боисдан Абдуқаҳҳор ўзининг бутун куч-қуввати ва ижодий маҳоратини драматургияга бахш этса фойдали бўларди. Чунки мен унинг маданий ҳаётимизда катта воқеа бўладиган асарлар ярата олишига ишонаман. Ҳозирги пайтда адибга ўз истеъдодини кенгроқ намоён қилиш учун кенг имконият яратилганини қайд қилмоқчиман. Бунинг учун мен унга мукаммал образлар устида ишлашида ўзбек тилининг бойлигидан ўринли фойдаланишни, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, Шайхзода, Миртемир, Уйғун сингари забардаст устозлар изидан бориб ўз асарларида ўзбек тилининг чексиз куч-қудрати ва жозибасини намойиш этишини орзу қиламан. Негаки, тилимизнинг бойликларини пухта билмайдиган ижодкор адабиётда бирон-бир арзигулик эътибор қозона олмайди. Бунинг учун ёшлар жуда катта меҳнат қилишлари лозим. Биз ўртамиёналик иллатидан тезроқ қутилишимиз, майда-чуйда гаплардан юқорига кўтарилишимиз зарур. Эндиликда халқимизга умри узоқ асарлар керак.

Адабиётимиз жаҳондаги энг илғор адабиётлар миқёсига кўтарилиши учун ҳали биз жуда кўп заҳмат чекишимизга тўғри келади. Бу эзгу ишларни бугунги билимдон, ғайратли ва истеъдодли ёшларимиз амалга оширадилар деган фикрдаман. Буни халқимиз умидворлик билан кутмоқда. Мен бу улуғ ишлар Абдуқаҳҳор сингари куч-қудратга тўлган навқирон ёшларимизнинг қўлидан келишига ишонаман.

А. Иброҳимов ўзининг эллик ёшини етук публицист сифатида ҳам кутиб олмоқда. Назаримда, жамиятимизда содир бўлаётган ўзгаришлар уни ҳам жўштириб юборди. Айниқса, адибнинг вақтли матбуотда эълон қилинган «Инсоф», «Умид ва ўйлар», «Турмуш тўлқинларида», «Узоқни кўзлаб, рост сўзлайлик», «Тил билан эл — жон ила тан», «Саодат калиди» номли мақолаларида муаллифнинг масала моҳиятига чуқур кирганлиги, мавзуни кенг қамраб олганлиги ва гражданлик журъати эътиборга молик.

Абдуқаҳҳор Иброҳимов ҳамиша яхши ният, умид ва келажакка ишонч билан яшайди. Бу туйғу уни турмуш тўсиқларидан олиб ўтмоқда, ижодий марраларни забт этишида ёрдам бермоқда. Истеъдодли иним Абдуқаҳҳоржонни айни камолот ёши билан қутлар эканман, унга сиҳат-саломатлик ва янги ижодий ютуқлар тилайман.

**Комил ЯШИН,**
**Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.**

● *КПСС Устави ҳақида мулоҳазалар*

# МУКАММАЛ БЎЛСИН

Маълумки, партиянинг XXVIII съездини келаси йил охирида чақириш мўлжалланмоқда.

— Партиянинг навбатдаги съездида биз КПСС Программасини янгилашимиз ва янги Устав қабул қилишимиз лозим, — деди КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев 18 июлда КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда. Программа ва Устав бўйича таклифлар тайёрлаш учун астойдил иш олиб бориш талаб қилинади.

Хўш, КПССнинг янги Устави қандай бўлиши керак? Бу савол кенгашдан сўнг кўпчилик ўртасига ташланди. Барча қатори Ленин райони коммунистлари ҳам амалдаги Уставни такрор ва такрор ўқиб, у қўшимчалар ва тузатишларга муҳтож эканлигини, давр талабига тўла жавоб бермай қолганлигини чуқур ҳис этмоқдалар.

— Янги Уставда «КПСС аъзосининг масъулияти» деган алоҳида боб бўлишини истайман, — дейди район партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси раиси И. Неъматов.— Бу бобга амалдаги Уставнинг 5—13 моддаларини киритиш, кириш қисмида эса ҳуқуқий ислоҳот ҳисобга олинган ҳолда масъулият тушунчасининг илмий шарҳи баён этилиши зарур. Сир эмас, илгарилари коммунистни партиядан ўчириш учун дастлабки тергов материаллари ҳам асос бўла оларди. Суд пайтида эса қўйилган айблар баъзан исботланмай кейин ўша кишини қайта партияга тиклашга мажбур бўлардик. Бу масаланинг расмий томони. Лекин маънавий томони ҳам бор унинг. Айби йўқ одамни суд ҳукмидан қатъий назар партия сафидан чиқариш шу кишига қанчалик ёмон таъсир этишини тасаввур қилиб кўринг-а. Подадан олдин чанг кўтармаслик учун янги Уставга бир қатор аниқликлар киритишни истардим. Янги Устав қуйидаги жумлалар билан тўлдирилиши керак: **«ҳар бир совет гражданн қатори коммунистнинг ҳам жиноий ҳатти-ҳаракатлари қай даражали жазога муносиблигини фақат халқ суди белгилаб беради, айбни эса прокуратура органлари қўяди. Дастлабки тергов материаллари коммунистни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун асос бўла олмайди».**

Район партия комитети умумий бўлим мудири Л. В. Ткаченконинг таклифлари ҳам ўринли. У амалдаги Уставнинг 3-моддасини тўлдириш зарур деган хулосага келмоқда.

— Амалдаги Уставга биноан партияга қабул қилиш масаласи рекомендация берувчиларнинг иштирокисиз ҳам муҳокама қилиниши мумкин,— деди у.— Мен бунга қаршиман. Янги Уставда **«партияга қабул қилиш масаласи рекомендация берувчилар иштирокида муҳокама қилинади. Партияга очиқ йиғилишларда қабул қилинади»** деган жумлалар бўлишини истайман. Амалдаги Уставнинг 30-моддасида эса **«партия комитетларида доимий ва муваққат комиссиялар ҳамда партия группалари тузилади»** деб аниқ ёзилиши керак.

Район партия комитети ташкилий-сиёсий бўлими мудирининг ўринбосари И. Иброҳимов амалдаги Уставнинг 1-моддасини «партия Программаси ва Уставини эътироф этувчи, коммунизм қуришда актив қатнашувчи, партия ташкилотларидан бирида **фидокорона** ишловчи, партия қарорларини бажарувчи ва аъзолик взносларини **белгиланган муддатда** тўловчи Совет Иттифоқининг ҳар бир граждани КПСС аъзоси бўла олади» деган таҳрирда таклиф қилмоқда.

КПССнинг янги Устави қандай бўлиши керак деган масала республика уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши партия ташкилоти йиғилишида ҳам алоҳида муҳокама қилинди. Сўзга чиққан партия ветерани Л. Суздалцева **партияга йилгаригидек 18 ёшдан эмас, балки 21 ёшга етган кишиларни қабул қилишни** таклиф этди.

— Амалдаги Уставнинг 42-моддасига ҳам аниқлик киритиш керак,— деди у.— Уни **«раҳбар кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда партия ташкилотлари ва меҳнат коллективлари йиғилишларида тавсия қилинган номзодлар ҳам ҳисобга олинади»** деб тўлдириш лозим.

Кекса коммунист Т. Содиқовнинг таклифи ҳам ўринли эди. У 12-модда бўйича фикр билдирди. Агар коммунист ножўя ҳатти-ҳаракатлар қилиб жиноий жавобгарликка тортиладиган бўлса шу коммунистнинг партияда қолиш-қолмаслиги масаласи олдин бошланғич партия ташкилотида муҳокама қилинади, сўнг қонун бўйича жавобгарликка тортилади, деган жумлани қўшиб қўйиш зарур, деб билмоқда у.

Ленин район прокуратураси коммунистлари ҳам ўз йиғилишларида КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишларни муҳокама қилдилар. Коммунистлар 9-моддани **«КПСС аъзоси ёки аъзоликка кандидат шахсий эътиқоди ўзгарганлиги туфайли партия сафидан ихтиёрий равишда чиқиши мумкин»** деган жумла билан тўлдиришни таклиф этдилар.

Шаҳар ички ишлар бошқармаси коммунистлари эса 2-моддага «пенсияга чиққан коммунистлар сайлаб қўйиладиган органлардан чиқарилади» деган жумла қўшиш зарур деб ҳисобламоқдалар. 38-моддага «Сиёсий бюро составига барча иттифоқдош республикалар компартиялари марказий комитетларининг биринчи секретарлари киритилади», деган сўзлар керак.

— Амалдаги Уставнинг кириш қисмини давр руҳига мослаб таҳрир қилиш керак, — дейди «Партия турмуши» журнали ходими В. Бирюков.— Жумладан, «Социализм тўла-тўкис ва узил-кесил ғалаба қозонди», деган жумла бу ерда ортиқчадек туюлмоқда.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси редакцияси коммунистлари эса 35-моддани «партия бюджетининг миқдори ва у нималарга сарфланаётганлиги ҳақида маълум муддат орасида ахборотлар бериб турилади» деган жумла билан тўлдиришни таклиф қилдилар.

**ЯНГИ Устав қандай бўлиши керак деган мунозара барча партия ташкилотларида қизғин муҳокама қилинмоқда. Ҳар куни район партия комитетига коммунистларнинг кўплаб таклифлари оқиб келмоқда. Улар янги Уставнинг ҳар жиҳатдан мукаммал, давр руҳига мос тарзда бўлишига кўмаклашади, деб ўйлаймиз.**

**Ж. НОСИРОВ.**



# ВАЪДАЛАРНИ ҚАЧОН БАЖАРАСИЗ?

**СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТИ, «УЗБЕКГИДРОЭНЕРГОСТРОЙ» ТРЕСТИ БОШҚАРУВЧИСИ АКРАМ ҚУРБОНОВИЧ ЭРГАШЕВГА МАКТУБ**

Ҳурматли депутатимиз! Сайловдан буён биз сиз билан учрашиш имкониятига эга бўлмаганлигимиз сабабли газета орқали мурожаат қилаяпмиз. Яқиндагина неча ўнлаб сайловчиларнинг ошкора айтган дил сўзларини тинглаб, Тошкент шаҳрининг Киров районидаги Оқтепа маҳалласига сув чиқариб беришга, кўп йиллардан буён лампа чироқ шуъласидан ҳам хира ёнаётган чироқларимизни маромида ёритишга, хонадонлар, кўчаларни чароғон этишга ваъда берган эдингиз. Биз ўша кезлари 274-ўрта мактабга жойлашган сайлов участкасига қайта-қайта қатнаганимизда сизнинг бу сўзларингизга жуда-жуда ишонган, ҳатто сув чиқаришга киришганлигингизни амалда кўриб қувонган эдик. Кексалар сизни дуо қилишгани, ёшлар эса «энди депутатга ёлчидик» деб фахрланишгани худди кечагидек ёдимизда.

Тўғрисини айтиш керак, севинчимиз узоққа бормади. Сув чиқариш ишлари чала қолди. Ҳаммадан ҳам маҳалламиздаги айрим кўчаларда, хонадонларда хира ёниб турган лампочкалар бир йўла ёнмай қўя қолгани дилни ўртайди. Айниқса, ҳозир тўйлар мавсуми эмасми, тантаналар баъзи уйларда зимистонда, баъзи уйларда йўқ даражадаги шуълада дилхиралик билан ўтмоқда. Маҳалламиздаги бу ҳолат аҳолининг ҳақли эътирозига, норозилигига сабаб бўлаяпти. «Тошкентнинг нақ биқинида турсагу, ақалли чироғимиз тўла тўкис ёнмаса» деб ранжимоқда. «Эски ҳаммом, эски тос-да» дея қўл силтаётганлар ҳам йўқ эмас.

Биз қисқа вақт мобайнида кўпчиликда пайдо бўлган бу фикрларни сизга етказар эканмиз, тезда амалий ёрдам берасиз деб ўйлаймиз. «Йигит киши бир гапиради». «Марднинг сўзи бир» деган ота-боболаримиздан қолган ажойиб нақллар ҳам бор-ку, ахир?! Наҳотки, «ишим битди,..» зайлида фаолият юргизиб сайловчиларингизни унутсангиз. Қолаверса халқ сизни сайлар экан, «оғиримизни енгил қилади» деб ишонган эди. Бу ишончга лоқайдлик ярашмас деб ўйлаймиз.

Қадрли депутатимиз, нима учун бу масалалар ҳақида маҳаллий Советларга мурожаат қилмаяпсиз, ахир уларнинг иши-ку деган саволни бизга бермаслигингизни сиздан ўтиниб сўраймиз. Зероки, дардини очган кишиларни ҳали у ташкилотга, ҳали бу ташкилотга рўбару қилавериш бу турғунлик йилларига хос иллат. Қолаверса, маҳалланинг бундай аҳволидан маҳаллий Советлар аллақачон воқиф. Аммо улар йиллар давомида эътиборсизлик қилиб келишяпти. Сизни ҳукуматимизнинг олий органига муносиб номзод деб билганимизда, такрор айтамиз, қайта-қайта сайловларда сиз учун овоз берганимизда ишни тамомила янгича бошлашингизга ишончимиз зўр эди. Илтимос, умидимиз пучга чиқмасин. Одамлар қалбида сизга нисбатан ёлқинланган меҳр чўғи сўнмасин. Енг шимариб ишга киришинг. Акс ҳолда эл назаридан қолишдан ёмони йўқ.

Сизнинг сайловчиларингиз:
**Баҳодир СОБИРЖОНОВ,**
**ишчи.**
**Саидвали ҲАСАНОВ,**
**СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.**
**Ботир МИРЗАКАРИМОВ,**
**медицина фанлари номзоди.**
**Зокир ҚОСИМОВ,**
**Улуғ Ватан уруши инвалиди.**
**Рихси ШЕРМОНОВА,**
**меҳнат ветерани, кекса она.**
**Шаҳобиддин САЛОҲИДДИНОВ,**
**байналмилал жангчи.**
**Шуҳрат АЗИМОВ,**
**талаба.**

## ҚИШ ҒАМИДА



**ЧИНОЗ районидаги «Партия XXIV съезди» совхозида қишловга мўл ва сифатли озуқа жамғариш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Айниқса, хўжаликнинг Қори Алматов бошчилик қилаётган бригадаси меҳнаткашлари озуқа экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар. Коллектив бу йил 800 тонна беда пичани, 1400 тоннадан ортиқ силос тайёрлаш учун курашмоқда. Суратларда: (чапда) бригада бошлиғи Қори Алматов (ўртада) механизаторлар Азиз Саримсоқов ва Жўрабек Шодмонов билан; беда ўрими пайти.**

**Суратчи А. ЗУФАРОВ.**

# Чет эл хабарлари

## СОЦИАЛИСТИК ҚУРИЛИШ ВА ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИ

ПЕКИН. «Хитойда нечоғлик ўзгаришлар содир бўлмасин, аммо икки нарса биз учун собит бўлиб қолаверади, булар — социалистик қурилиш ҳамда ислоҳотлар йўли ва ташқи дунё билан алоқаларни кенгайтиришдир». «Жэньминь Жибао» газетасининг хабар беришича, ХХР давлат кенгашининг бошлиғи Ли Пэн ўз вазифасини адо этиб бўлган Суданнинг ХХРдаги элчиси М. Х. М. Матар билан суҳбат чоғида шуни таъкидлаган.

Социалистик қурилиш ҳамда ислоҳот йўли ва ташқи дунё билан алоқаларни кенгайтириш бир-бирига зид эмас, деб сўзини давом эттирди Ли Пэн. Ислоҳотлар сиёсатини амалга ошириш ва ташқи алоқаларни кенгайтириш социалистик тузумни такомиллаштиришга ҳамда социалистик модернизация учун яна ҳам қулайроқ шарт-шароитлар яратишга қаратилгандир. «Ана шу икки нарсада бутун Хитой халқининг орзу нияти мужассам бўлган»,— деб уқтирди у.

## КЎҲНА РИМ КЕМАСИ ТОПИЛДИ

**РИМ, 14 август. (ТАСС). Кўҳна Римнинг бундан 2000 йил муқаддам Ўрта Денгиз қаърига чўкиб кетган савдо кемаси топилди. Ана шу ноёб топилма ҳақидаги хабар икки йил мобайнида яъни кечаги кунгача пинҳон тутиб келинди. Бундан мақсад хазина ишқибозларининг диққатини жалб этмаслик эди.**

**Археологлар группасига бошчилик қилаётган Донателла Сальви шанба куни журналистлар ҳузурида гапириб, ушбу кема яхши сақланганлигини айтди. Янги эрадан илгари тахминан 70-йил билан 50-йил оралиғида Сардиниянинг ғарбий қирғоғида ҳалокатга учраган денгиз қаъридаги ана шу кемага Сальви хонимнинг ўзи бир неча бор тушиб чиққанидан кейин ана шу фикрни айтди. Буни қарангки, ҳар бирининг вазни 30 килограммга борадиган 1000 га яқин қалайи ёнбилар ҳам сақланиб қолибди.**

**Ўша давр ёнбилари солинган Рим кемаси Ўрта Денгизда биринчи бор топилди, деб таъкидлади Д. Сальви. Бу топилма анча қимматлидир, чунки, кўҳна цивилизация ҳақидаги билимларимизни кенгайтиришга имкон беради.**

## ХАВФ-ХАТАР КАМАЙМАЯПТИ

КОБУЛ. Афғонистон пойтахтининг хавфсизлик органлари Кобулнинг аҳоли зич яшайдиган даҳаларидан бирида 30 килограммдан кўпроқ пластик портловчи моддани ўз вақтида зарарсизлантириб, экстремистлар навбатдаги жиноятининг олдини олдилар. БАХТАР агентлигининг хабар беришича, пойтахт яқинидаги жойлардан бирида мусулмонларнинг «ашур» байрами арафасида шаҳарни ўққа тутишга мўлжалланган «ер-ер» ракеталари омбори аниқланди.

Жалолобод гарнизонининг бўлинмалари Сўрхруд уездининг тинч аҳолиси бошига қора кун солаётган оппозициядаги гуруҳлардан тозалаш учун операцияларини давом эттирмоқдалар. Ҳарбий қўмондонлик маълумотномасига кўра, ўтган куни ҳукумат қўшинлари ушбу районда кўпгина ўқ дорини ўлжа олдилар, артиллерия ўқи билан режимнинг жами 54 нафар душмани сафдан чиқарилди.

## ИСРОИЛ ЗИММАСИГА ҚЎЙМОҚДАЛАР

НЬЮ-ЙОРК. Президент Буш Ливанда гаровга олинганлар муаммосини ҳал этишга дурустроқ уринмагани учун кўпчилик америкаликларнинг ҳафсаласи пир бўлди ва улар террорчилар қўлга киритган подполковник Хиггинснинг ҳалокати учун асосий жавобгарликни Исроил зиммасига қўймоқдалар. «Бостон глоб» газетаси ўтказган жамоатчилик фикрини сўраб билиш натижалари шундан далолат бериб турибди.

Сўров маълумотларига кўра, АҚШ маъмурияти «терроризмга қарши кураш сиёсати» доирасида ўтказаётган ҳатти-ҳаракатларга америкаликларнинг 47 проценти салбий баҳо берди, савол берилган одамларнинг тўрттасидан биттасигина шу ҳатти-ҳаракатларни маъқуллади.

# МАЪМУРИЯТ НИМА ДЕЙДИ?

ПОЙТАХТНИНГ ўйинчоқлар фабрикаси маҳсулотларининг харидорлиги ортиб боряпти. Ўтган йили реализация плани 105 процент қилиб адо этилди. Шу йилнинг биринчи ярми ҳам дуруст якунланди. Савдо ташкилотларига етказиб берилган ўйинчоқлар сифатига эътирозлар тушмади. Умуман фабрикада кейинги пайтда ўйинчоқларнинг фақат сифатли тайёрланишигина эмас эстетик талабларга жавоб берадиган янги турларини кўпроқ ишлаб чиқаришга ҳам катта эътибор беріляпти. Хусусан пластизолдан ҳар хил жониворлар шаклида ишлаб чиқарилаётган ўйинчоқлар ва зарница ўйинлари шулар жумласидандир.

Эришилаётган муваффақиятлар корхонанинг иқтисодий қудратини ҳам мустаҳкамлади. Ишлаб чиқаришдан катта фойда олина бошланди. Ўтган 1988 йилда бу кўрсаткич 5 миллион сўмни ташкил этди. Лекин коллектив аъзолари қўлга киритилаётган муваффақиятлардан қониқиш кайфиятида эмас. Негаки, фабрикада ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш учун кўп ишлар қилиниши керак.

Маънавий эскирган жиҳозларни янгилаш, меҳнаткашларнинг иш ва дам олиш шароитларини яхшилаш талаб этилади. Бу йил ушбу мақсадларга, шунингдек, ишчи ва инженер-техник ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга 400 минг сўмдан ортиқ маблағ ишлатиш планлаштирилган. Унинг 64 минг сўми реконструкция ишларига сарфланади.

Бундан ташқари фабриканинг ҳозирги ишлаб чиқариш биноси давр талабларига жавоб бермайди. Шунинг учун корхона территориясида янги бино қуриляпти. Унинг 1991 йилда фойдаланишга топширилиши планлаштирилган, мавжуд ишлаб чиқариш биносида эса социал-маиший шароитлар коллектив билан келишилган ҳолда яхшилаб борилмоқда. Бу соҳага сарфланадиган маблағ 94 минг сўмни ташкил этади. Унинг асосий қисмига Қора-қамиш массивида фабрика коллективи учун янги турар-жой биноси қуриляпти.

Лекин мазкур илғор корхонада айрим жузъий камчиликлар ҳам йўқ эмас. Мисол учун тунги сменадан қайтаётган ишчилар учун автобус ажратилмаган. Уларнинг кўплаб вақтлари кўчаларда йўловчи автобусларни кутиш билан ўтяпти. Фабрика коллективининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган бу нуқсонни корхона маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотидаги масъул ўртоқлар қачон ҳал қилишаркин?

**С. ЙЎЛДОШБЕКОВА,**
**ТошДУ талабаси.**

